

496 - وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مُغَفَّلٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَجُلٌ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ وَاللَّهِ إِنِّي لِأُحِبُّكَ، فَقَالَ: «انظُرْ مَاذَا تَقُولُ» قَالَ: وَاللَّهِ إِنِّي لِأُحِبُّكَ - ثَلَاثَ مَرَّاتٍ - فَقَالَ: «إِنْ كُنْتَ تُحِبُّنِي فَأَعِدِّ لِلْفَقْرِ تَجْفَافًا؛ فَإِنَّ الْفَقْرَ أَسْرَعُ إِلَى مَنْ يُحِبُّنِي مِنَ السَّيْلِ إِلَى مُنْتَهَاهُ» رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ [2350].

«التَّجْفَافُ» بِكَسْرِ التَّاءِ الْمُثَنَّى فَوْقَ، وَإِسْكَانِ الْجِيمِ، وَبِالْقَاءِ الْمُكْرَّرَةِ، وَهُوَ: شَيْءٌ يُلبَسُهُ الْفَرَسُ لِيَتَّقَى بِهِ الْأَذَى، وَقَدْ يلبَسُهُ الْإِنْسَانُ.

496. Абдуллоҳ ибн Муғаффал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Эй Аллоҳнинг расули, Аллоҳга қасамки, мен сизни яхши кўраман», деди. Шунда у зот: «**Нима деяётганингга қарагин**», дедилар. У яна: «Аллоҳга қасамки, мен сизни яхши кўраман», деб уч марта айтди. Шунда у зот: «**Агар мени яхши кўрадиган бўлсанг, фақирликка тўқим тайёрлайвер. Албатта, менга муҳаббат қилган киши учун фақирлик интиҳосига шошилган селдан ҳам кўра тезроқдир**», дедилар.

Имом Термизий ривоят қилиб, ҳасан ҳадис дедилар.

Шарҳ: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга муҳаббат қўйган киши молу дунё илинжида муҳаббат қўймайди. У зотга муҳаббат қўйишдан асосий

мақсад ер юзида иймон ва адолат ҳукм суриши учун фидокор бўлишдир. Шунинг учун бу йўлга кирган одам одатда бундоқ йўлни ихтиёр қилганлар тақдим этадиган фидокорликлардан кўпроқ нарсани тақдим этишга тайёр турмоғи лозим. Ана ўша фидокорликларнинг бошида молу дунёни фидо қилиш ҳам туради. Шунинг учун Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга муҳаббат қўйиб у зотнинг ҳамкори бўлмоқни истаган одам фақирликка томон ҳаракат қилмаса ҳам фақирликка чидашга тайёр турмоғи лозим. Буни асрлар оша собит бўлган тажрибалардан билиб олса ҳам бўлади.

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Роббим менга Макканинг Батҳосини олтин қилиб беришни таклиф қилди. Мен «Эй Роббим! Лекин бир кун тўйиб, бир кун оч бўлганим яхши, деб уч ёки шунга ўхшаш айтилар ва давомида, «Оч қолсам Сенга тазарруъ қилиб, Сени зикр қилурман. Тўйган чоғимида Сенга шукр қилиб, ҳамд айтурман» дедим», дедилар».

Агар Пайғамбар алайҳиссаломнинг тоғ-тоғ олтинлари бўлса, душманлар у кишига одамларни молу дунёси ила ўзига қаратиб олмоқда деган туҳмат қилишлари мумкин эди. Шу билан бирга даъват соҳиби молу дунёга ўралашиб қолиши хавфи ҳам бор. Энг муҳими, кишиларга ўртак бўлиш учун Пайғамбар алайҳиссалом ўзларига ихтиёр қилган ҳолат энг муносиб эди.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVAT MARVARIDLARI